Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
25-fevral,
payshanba

№ 24
(3685)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Хусусий корхонанинг муваффақияти

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги “Асадбек зиё нур” хусусий корхонасида миллий ҳунармандлик асосидаги ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган.

Ҳунарманд Зебо Рустамова раҳбарлигидаги корхонада адрас мато ҳамда каштачилик маҳсулотлари тайёрланади. 15 нафар хотин-қиз иш билан банд. Миллий каштачиликнинг бетакрор анъаналарини ўзида ифода этган сўзана, такяпўш, чойшаб, ёстиқ жилдлари, аёллар кийими, сумка ва ҳамёнлар харидорларга манзур бўлмоқда.

ЎзА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган суратлар.

Соғлом оила — соғлом жамият

Соғлом она ва бола йили муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига мувофиқ ҳар бир бошланғич ташкилотда «Соғлом оила» шиори остида спорт беллашувлари ташкил этилмоқда.

Марокли беллашувлар

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортнинг оммавий турларига қизиқтириш орқали меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган мусобақаларда ота-она ҳамда 8-12 ёшли фарзанддан иборат жамоалар югуриш, акробатика, тўпни нишонга отиш, арқон тортиш, чаққонлик ва мерганлик, тезлик, эпчиллик эстафеталари, “Моҳир ҳужумчи”, “Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боплаймиз” шартлари асосида ўз имкониятларини синовдан ўтказмоқда.

Пойтахтимиздаги 19-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мусобақаларнинг тармоқлараро Юнусобод туман босқичи бўлиб ўтди.

Спартакиада Таълим, фан ва маданият, Ўзбекистон Фанлар академияси, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Соғлиқни сақлаш, Агросаноат ҳамда Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

(4).

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши томонидан 2015 йилдаги фаолият якунлари ва 2016 йилдаги устувор йўналишларга бағишланган семинар ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Ёшлар кенгаши томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун Бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда корхоналарда имзоланаётган жамоа шартномаларига киритилган «Ёшлар учун қўшимча кафолатлар» бўлими янада бойитилиб, бажарилиши таҳлил этиб борилди. Жумладан, жамоа шартномалари ва келишувларида ёшларга имтиёзлар бериш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ва иш жойида қўнимлилигини назоратга олиш, ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш, талабалар учун корхоналар томонидан контракт пулларини қоплаш, ёшларни корхонада етарли тажриба ва обрўга эга бўлган ходимларга бириктириш, шунингдек, ХМТ Конвенцияларига риоя этилишини таъминлаш каби бандлар акс эттирилди. Киритилган имтиёзлар орқали ишга қабул қилинган битирувчилар билан меҳнат шартномалари тузилмоқда.

Жамоа келишувлари ва шартномаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш комиссияси таркибига ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича эксперт киритилган. Биргина 2015 йилда Федерация Ёшлар кенгаши томонидан имзоланаётган 41 та жамоа келишуви ва шартномаси лойиҳасини экспертиза қилишда иштирок этилди. Жамоа шартномаларининг ёшларга оид бўлимида кўзда тутилган қўшимча имтиёз ва кафолатларнинг берилиши бўйича мунтазам равишда мониторинг олиб борилди. Ҳисобот даврида жамоа келишувлари ва шартномалари орқали 15 минг 294 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган жиҳозлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар берилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 12 минг 579 нафар талаба шартнома пулининг бир қисми қопланди. 782 та корхона ва ташкилотда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини шогирдликка олиб, уларга ўз касбининг сир-асрорларини ўргатаётган 2 минг 201 нафар устоз-ходимни рағбатлантириш учун 472,1 млн. сўм маблағ йўналтирилди. 755 та корхонада 7 минг 129 нафар ёш ходимни бошқа касбга ўргатиш ҳамда малакасини ошириш ишлари амалга оширилди.

Ишлаётган ва таълим олаётган ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий кафолатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган Федерация Кенгаши ва «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан қабул қилинган қўшма тадбирлар режаларининг бажарилишида ҳамкорлик ишлари тизимли равишда олиб борилди.

Семинарда шу ва қўшма тадбирлар доирасида амалга оширилган ишлар эътироф этилди. Йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриб чиқилди. Шунингдек, 2016 йилда касаба уюшмалари Ёшлар кенгашлари фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

(2).

Янги иш ўринлари

«Гулистон мебел» Сирдарё вилоятидаги илғор корхоналардан бири.

Корхона директори Жаҳонгир Мамажоновнинг сўзларига кўра, АТБ «Туронбанк»дан олинган 40 млн. сўм кредит ҳисобидан ташкил этилган цехда 10 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланган.

— Бизнес ҳамкоримиз — «Гули Раъно нур жилоси» МЧЖ раҳбари Раъно Нишонова билан доимий изланишдамиз, — дейди Ж.Мамажонов. — Мебел оламидаги янгиликлар билан қизиқамиз. Шунингдек, Тошкент ҳамда Фарғона вилоятидаги мебелчилик корхоналарига ташриф буюриб, янгиликлардан бохабар бўлиб қайтамиз.

Ўтган йилда «Гулистон мебел» МЧЖ яна бир бинога эга бўлди. Мирзаобод туманидаги «Ойдин» маҳалласида бўш ётган эски бино икки йилда 160 млн. сўм инвестиция киритиш шарти билан олиниб, тўлиқ реконструкциядан чиқарилди. Шу тариқа яна 8 нафар ёш иш билан таъминланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Жиззах цементига талабгор кўп

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар асосида ўтган йили Жиззах воҳаси саноатида 254 миллиард сўмлик 213 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада, қўшимча 260 миллиард сўмлик элликдан зиёд турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Йил давомида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 13,8 фоизга ўсди.

Марказий Осиёда ягона саналган Жиззах цемент заводи жамоаси имконияти ҳукуматимиз раҳнамолигида кенгайиб бормоқда. Йиллик режани 127,5 фоиз қилиб уддалаган корхона жамоаси 2015 йили қўшимча бир миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Уч турдаги цемент ишлаб чиқараётган корхона маҳсулотининг 97 фоизи МДҲга экспорт қилинмоқда. Айниқса, корхонада тайёрланаётган оқ портланд цементи мустаҳкамлиги жиҳатидан мамлакатимизнинг стратегик ресурсига айланиб қолди.

Корхонада меҳнат қилаётган 700 нафар ходимнинг аксариятини ёшлар, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ташкил этиши эътиборлидир.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

«Зайтунзор» кўчатлари

Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари орасида Шўрчи туманидаги “Зайтунзор” фермер хўжалиги илғорлардан ҳисобланади.

Хўжалик 2005 йилда ташкил этилган. Эътиборлиси, бу ерда мева етиштириш билан чегараланмай, мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари етиштириш ҳам йўлга қўйилган. Шу кунгача Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятларга 25 мингдан ортиқ мевали, юз минглаб манзарали дарахт кўчатлари етказиб берган фермер хўжалигининг ишларидан кўпчилик хурсанд. Айниқса, хўжаликда парваришланаётган ноанъанавий дарахт — Зайтун кўчатларига бўлган талаб йил сайин ортиб бораяпти.

— Айни пайтда 20 гектар зайтунзор, 10 гектар токзор, 3 гектар бодомзор барпо этганмиз, — дейди хўжалик раҳбари Ҳайдар Маҳмудов. — Қолган ерларда кўчат етиштириб, республика миқёсида олиб борилаётган кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига ҳисса қўшаяпмиз.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Маҳсулот тури кўпаймоқда

Марғилон шаҳридаги “Гранд Кибо” корхонаси дастлаб 5 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 20 тага етказилди.

Корхона жамоаси маҳаллийлаштириш дастури асосида яна 6 турдаги янги маҳсулот тайёрлашни режалаштирган.

Ишчиларнинг 80 фоизини ёшлар ташкил этувчи корхона болалар ва спорт пойабзаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Маҳсулотлар қўшни Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам харидоргир.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси

Улкан йўлга илк қадам

инсон ўз меҳнатидан фақатгина даромад эмас, завқ туйиб ҳам яшамоги лозим

>> 2



Қувваи ҳофиза синоатлари

>> 3

Соғлом кўз билан дунёни кўрайлик

>> 4

Бандлик дастури асосида

Улкан йўлга илк қадам

инсон ўз меҳнатидан фақатгина даромад эмас, завқ туйиб ҳам яшамоғи лозим

Инсоният тарихидан яхши маълумки, бирор ижтимоий фаолият билан банд одам, нафақат ўзини, қолаверса, бошқаларни ҳам бахтли қила олишга қодир. Зеро, меҳнат билан одамнинг онги-ю қалби ижобий куч-қувват манбаидир.

Аҳолининг кенг қатлами, айниқса, жамиятнинг асосий қисмини ташкил этувчи, юртимиз равнақи, мамлакатимиз келажагини барпо этувчи ёшларни иш билан таъминлаш борасида Наманган вилоятида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Олиб борилаётган кенг кўламли ишлар салмоғига ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида 10 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминладик, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Чуст туман кенгаши раиси Манзура Ҳакимова. — Айнан шу ёшлар ҳозирда тумандаги "Дўзанда" МФЙ ҳудудида қад ростлаган "Ишонч мажмуаси"да турли соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатишни бошлаб юборишди. Тикувчилик, автоуловларга техник хизмат кўрсатиш, компютер ҳамда солиқ ҳисоботларини электрон шаклда жўнатиш хизмати, шунингдек, минимаркет фаолияти туфайли ҳудуд аҳолисининг ҳаётига енгиллик кирмоқда.

Мавжуд тармоқ касаба уюшмалари томонидан имкониятдан келиб чиқиб, фаолият учун керакли ускуналар харид қилиб берилди.

Мажмуанинг маънавият масканига айланиб бораётганидан барча хурсанд. Яъни, иншоотнинг иккинчи қавати тумандаги иқтидорли ёшлар ихтиёрига берилиб, бу ерда "Ижодкорлар маркази" фаолият бошлади. Тадбиркор, маҳалла фаоли, кўп йиллик тажрибага эга фахрий педагог Ҳамиджон Мамажонов бу ҳақда шундай дейди:

— Истеъдод, иқтидор ҳамиша рағбатга, эътиборга ва эътирофга эҳтиёж сезади. Касаба уюшмаларининг бу хайрли ташаббуси ҳақида эшитишим билан хурсанд бўлдим ва ўз таклифимни киритдим. Зеро, ёшларга йўл очиш, уларни қўллаб-қувватлаш бирламчи вазифамиз. Бизнесида ёрдам бериш, дастмоями ёки зарур иш қуролини харид қилиб бериш орқалими, унинг ҳаётини яхшилик томон буриш, улкан режалар сари йўллаш мумкин. Бу орқали, табиийки, бир неча ёшга фаолият учун имкон яратилади. Аммо маънавий бойитиш, қалбини гўзалликка, эзгу ғояларга йўналтириш орқали минг-минглаб ёшлар қатламини қамраб оламиз. Шу марказда иқтидорини чархлаган йигит-қизлар, ким билсин, эртага шоиру олимлар бўлишар, ёзувчи-ю рассом бўлиб вояга етишар. Уларнинг ортидан эргашган, сўзларини кўнгилга жойлаган кейинги авлодлар ҳам бевосита марказимиз зиёсидан баҳраманд бўлсин дейман. Кўнглимда узоқ йиллардан бери пишитиб келаётган бу режамга Юртбошимизнинг 2015 йилнинг 26 ноябр кунги Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги ушбу сўзлари кушойиш берди десам, нокамтарликка йўйманг: "... Намангання бой тарихини, бу заминда камол топган улуғ зотларнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини, бу юрт билан боғлиқ муҳим саналарни янада чуқур ўрганиш, уларни муносиб нишонлаш учун кенг кўламдаги илмий изланишларни амалга ошириш барчамизнинг бурчимиздир". Шу ният ижобати ўлароқ, туманимиздаги устоз ижодкорлар ёшлар учун мастер класслар ташкил қилишади. Турли нашрлар тақдимотини ўтказамиз, қолаверса, марказ аъзоларининг ижод намуналарини тўплаб нашр эттирамиз.

ЎзКУФКнинг 2014 йил 17 февралдаги "Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларда касаба уюшмаларининг иштирокини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси борасида ҳам шу каби ташаббуслар қўл келиши шубҳасиз.

Вилоятдаги ҳар бир туманда касаба уюшмалари томонидан намунали маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этишга эришилгани нафақат жамоат ташкилотининг, балки сервисга эҳтиёж сезаётган аҳоли ҳамда иш қидираётган ёшларнинг ҳам ютуғи бўлди. Мақсад ёшларни ишли қилишгина эмас, уларга бизнес қоидаларини ўргатиш, кейинчалик мустақил тадбиркорлик фаолияти юритишларига кўмаклашиш ҳамдир.

— Тўғрисини айтганда, бундай имконият ва шароитга эга иш жойига осонгина эга бўламан деб ўйламагандим, — дея ҳаяжон билан сўзлайди Наргиза Парпиева. — Чуст саноат касб-ҳунар коллежини тамомламоқдаман. Мутахассислигим бўйича қиз-жувонларга турли либослар тикиш, янги бичимлар кашф этиш бўйича фаолият юритаман. Келгусида фаолиятимни янада кенгайтириш, билим ва тажрибамни ошириш режаларим бор. Зеро, инсон ўз меҳнатидан фақатгина даромад эмас, завқ туйиб ҳам яшамоғи лозим. Ўрганишнинг улкан йўлига илк қадамимни қўйдим, унинг омадли ва равон бошланишига шароит яратгани учун касаба уюшмаларидан миннатдорман.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Сарҳисоб

Эъзозли эл ардоққа лойиқ

Сўнгги йилларда касаба уюшмалари фаолияти ҳам мазмунан, ҳам шаклан жозибали кўриниш олди. Ортда қолган Кексаларни эъзозлаш йили тадбирларини сарҳисоб қилиб, бунга яна бир бор амин бўлиш мумкин.

МАЪНАВИЙ ТАДБИРЛАР

Хусусан, кекса авлодга эҳтиром кўрсатиш, улар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказишга катта эътибор қаратилди. "Сиз доим эъзоздасиз", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Кексалари ардоқланган юрт", "Фахрийлар — фахримиз" мавзуларида 845 та корхона, ташкилот ва муассасаларда "Маънавият соатлари", маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Унда 10875 нафар касаба уюшма фаоллари ҳамда ўқувчи ёшлар қатнашди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Наврўз ҳамда Хотира ва қадрлаш куни байрамлари муносабати билан Яккабоғ туманидаги "Саховат", Шаҳрисабз туманидаги "Аёллар мурувват" интернат уйларида яшовчи қариялар ҳолидан хабар олиниб, 7 млн. 500 минг сўмлик чойшаблар тўплами тақдим этилди.

Байрамлар муносабати билан 276 нафар фахрийларнинг театр, концерт ва бошқа маданий тадбирларга ташрифи уюштирилди. 30 нафар кекса ва ногиронларга ногиронлик аравачалари топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалардан 212 нафарига электр-маиший техника жиҳозлари тарқатилди.

"Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси доирасида 240 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчисига 300 минг сўмдан манзилли пул мукофоти топширилди.

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг янги таҳриридаги жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Концепцияси ҳамда касаба уюшмалари тизимида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар барчани хушнуд этмоқда. Буни "Спорт — саломатлик гарови" спартакиадаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Эндиликда бу спорт тадбирида деярли ҳар бир бошланғич ташкилот қатнашяпти. Улар орасида нодавлат сектори корхоналарининг ҳам салмоғи ортиб бораётгани кувонарли. Саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга янада қулай шароитлар яратиляпти.

Кўпгина корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш гимнастикаси йўлга қўйилди. Ҳозирда 2921 та корхона, ташкилот ва муассасаларда жами 315 минг 347 нафар ходим ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланаётир.

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган "Спорт — саломатлик гарови" шиори остидаги республика спартакиадасининг минтақавий-республика босқичида вилоят жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, ҳаваскор велоспортчилар ўртасида ташкил этилган "Касаба–тур" веломарафони мусобақасининг вилоят босқичида 160 нафар шаҳар ва туман босқичи ғолиблари маҳорати синовдан ўтказилди.

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2015 йилга мўлжалланган Манзилли Дастурга асосан вилоят бирлашма кенгашига қарашли Мирзо Улуғбек номидаги оромгоҳда 4 млрд. 500 млн. сўмлик, "Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари" ОАЖга қарашли "Нурафшон"да 117 млн. сўмлик, "Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш" АЖ тасарруфидаги "Бинокор"да 100 млн. сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. Болажонларнинг мароқли дам олиши янада кўнгилли бўлишини инобатга олиб, таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш, уларни малакали педагог ва етакчилар билан таъминлаш мақсадида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, халқ таълими бошқармаси, "Камолот" ЁИҲ кенгаши, Қарши Давлат университети билан ҳамкорликда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида оромгоҳларнинг бош тарбиячилари, гуруҳ тарбиячилари, етакчилари, тўгарак раҳбарлари, кутубхоначилар ва спорт мураббийлари ўқуви ўтказилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2015 йил ёзги соғломлаштириш мавсумида режадаги 26240 нафар ўрнига меҳнаткашларнинг 27143 нафар фарзанди дам олишига эришилди. Шунингдек 10 та "Меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари" да 240 нафар, "Зиё чашмалари" да иқтидорли болалар учун ташкил этилган интеллектуал оромгоҳда 91 нафар ҳамда "Ниҳол"даги тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳида 192 нафар бола, "Лочин"да эса Республика миқёсида ўтказилган "Юрт келажаги" ўқув-амалий семинарининг 760 нафар иштирокчиси ҳамда Оролбўйидан келган жами 500 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди.

Мавсумда "Меҳрибонлик" уйларининг 170 нафар тарбияланувчилари, 147 нафар маҳаллалардаги эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг болалари, шунингдек, 5610 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари жамоа шартномалари ва келишувлари орқали оромгоҳларда бепул дам олишди.

МАСЪУЛИЯТ ОШДИ

Соғлом она ва бола йили касаба уюшмалари олдига янада катта масъулият юклайди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизлар учун янада қулай иш шароитларини яратиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишига эришиш, соғломлаштириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, келажагимиз бўлган ёш авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратишга ҳисса қўшиш, ҳар галгидек ёзги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш каби қатор тадбирлар борки, улар ҳар қачонгидан эътиборли бўлишимизни тақозо этади. Зеро, меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончи ортаётган экан, ишларимиз кўлами ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Бахром САТТОРОВ,
Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири

Вазифалар белгилаб олинди

(1).

— Ўтган йили Қозоғистоннинг Олмата шаҳрида касаба уюшмалари фаол ёшлари учун ташкил этилган семинарда қатнашдим, — деди Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси Самандарбек Раҳмонов. — Унда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси фаолияти, тизимга меҳнаткашларни тортишда ёшларнинг ўрни каби қатор мавзуларда очиқ дарслар ташкил этилди. Халқаро меҳнат ташкилоти вакили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш ишлари намунавий олиб борилаётгани, семинарда қатнашаётган давлатлар орасида биринчи эканлигини алоҳида таъкидлаганда қалбимда фахр туйдим. Бундан кейин ҳам фаолиятимни янада жонлантириб, тенгқурларимни ҳам мана шундай ишлашга даъват этишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

— Ўтган йили белгилаб олган режамизга қўшимча равишда бир қатор ишларни амалга оширдик. Жумладан, кўнгилли ёшлар иштирокида якка-ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож кексаларнинг уйрўзғор юмушларига кўмаклашиб, дуоларини олдик, — дейди Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси Дилновоз Саидова. — Бу ортиқча харажатсиз, лекин самарали ва савобли иш. Шундай экан, биз, ёшлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, кўп нарсага эришамиз.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Умаралиев ёшларга берилаётган имтиёз ва кафолатлар ҳақида гапириб берди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган сурат

Касаба уюшмалари — болаларга

Меҳр-мурувват намунаси

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорти қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши юртимизда баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшишни фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилаган. Хусусан, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан "Касаба уюшмалари — болаларга" акцияси анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Акция доирасидаги тадбирлардан бири "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тизимидаги "Кўприккурилиш" трести унитар корхонаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Корхона касаба уюшма қўмитаси фаоллари Тошкент вилоятидаги психофизик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган "Болалар уйи" ва Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳридаги "Тахиатош болалар уйи" тарбияланувчиларига совғалар топширди.

— Ташкилотимиз томонидан ҳар йили анъанавий тарзда "Касаба уюшмалари — болаларга" акцияси доирасида турли маънавий-маърифий тадбирлар ва хайрия акциялари ташкил этилади, — дейди бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Байрам Абдуллаев. — Айниқса, "Меҳрибонлик" уйи тарбияланувчиларининг кўнглини кўтариш ва дардига малҳам бўлиш мақсадида амалга ошираётган эзгу ишларимиз самарасидан мамнунмиз. Уларнинг юзкўзидаги севинчни кўриб, бола хурсандчилиги учун озгина эътибор ва меҳрнинг ўзи кифоя эканини англаш мушкул эмас.

"Кўприккурилиш" трести унитар корхонаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ёз мавсумида темирйўлчилар фарзандларини соғломлаштириш мақсадида ҳам қатор ишлар бажарилмоқда. Ўтган йили корхона томонидан 105 нафар ўғил-қиз "Қибрай", "Янги авлод" ва "Бурчимулла" оромгоҳларида дам олдирилди. Улардан 45 нафари эҳтиёжманд оилалар ва Оролбўйи ҳудудларида меҳнат қилаётган корхона ишчи-ходимларининг фарзандларидир. Шунингдек, темирйўлчилар фарзандларига турли кўнгилочар боғларга чипталар, ўқув қуроллари, санитар-гигиена ашёлари тўплами тарқатилди.

Дилафрўз КАРИМОВА

Бошланғич ташкилотларда

Фарғона шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида жойлашган Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг вилоят бўлимида ҳаёт қайнайди.

Қулай шароит

фаолиятда ҳам ўз ифодасини топмоқда

— Филиалимизда қулай меҳнат шароити яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда, — дейди касаба уюшма раиси Икромжон Шокиров. — Ўтган йили учинчи ва тўртинчи қаватларда таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди. Энди мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлдик.

Банк мижозлари 38 мингдан ортади. Улардан 29840 нафари жисмоний шахслар ва якка тадбиркорлардир. Бинода касаба уюшма хонаси билан бирга маънавият ва маърифат хоналари ишлаб турибди. Банк муассасасида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ходимлардан 4 нафари олий ўқув юртларида, 1 нафари Банк Молия академиясида, яна бир нафар ходим Япония университетида таҳсил олмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси ариза ва мурожаатларга алоҳида эътибор қаратаяпти. Ўтган йил тушган барча аризалар ижобий натижасини топди. Ходимларни соғломлаштириш, мароқли дам олдириш мақсадида 5 нафар ходим "Оқтош", "Зомин" ва "Ботаника" сиҳатгоҳларида дам олдирилди.

Жамоа шартномаларининг бандма-банд бажарилиши туфайли касаба уюшма қўмитаси фаолияти турли танловларда ижобий баҳо олмоқда. "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловининг ўтган йилги республика босқичида қатнашган касаба уюшма қўмитаси иккинчи ўринни қўлга киритди.

Хуллас, мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун шиорига амал қилиб ишлаётган муассаса вакилларига барча шароит яратилгани банк фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Қонун лойиҳаси муҳокамада

O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши ҳамкорликда "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳриридаги лойиҳаси муҳокамасига бағишланган амалий семинар ўтказди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, адлия, солиқ бошқармалари ҳамда бошқа идоралар вакиллари иштирок этди.

Маърузачилар томонидан қонунга киритилаётган ўзгартиришлар, меҳнат фаолиятини олиб боришдаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари мажмуи ва босқичларини амалга ошириш, меҳнатни муҳофаза қилишда инсоннинг иш жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлаш масалалари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда меҳнат қонунчилигини тартибга солиш соҳасидаги халқаро тажрибани ўрганиш, хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш натижалари ҳисобга олинган. Қонуннинг асосий мақсади меҳнатни муҳофазалаш шароитлари билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ тартибга солишдан иборат.

Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа мутахассислари ва ташкилотчилар томонидан батафсил жавоб берилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими

Давра суҳбати

Меҳнат қонунчилиги тарғиботи

Касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлиги, меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги билимини бойитишда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон туман кенгаши фаоллари томонидан ўтказилаётган тадбирлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тумандаги педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежида "Ёшлар учун меҳнат қонунчилигидаги имтиёз ва кафолатлар" мавзусида бўлиб ўтган учрашув ўта қизғин кечди. Унда иштирокчилар ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлдилар. Шунингдек, ушбу йўналишда касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши фаоли Жамилахон Алихонова, коллеж бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Мукаррам Абдураҳмоноваларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари, меҳнат интизоми, коллеж ўқувчиларининг меҳнат қонунчилигидаги имтиёз ва кафолатлари тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Семинар давомида меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, дам олиш ва меҳнат таътили каби масалалар юзасидан ҳам тегишли маълумотлар берилди.

Бундай тадбирларни тумандаги барча касб-ҳунар коллежида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Масрурбек ЖАЛИЛОВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Андижон туман кенгаши раиси

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан адлия бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида Термиз шаҳри ва барча туманлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ёш ходимларнинг меҳнат қонунчилигига доир билимини оширишга қаратилган давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Ангор туманидаги корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида ўтказилди. Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими бошлиғи З.Холов, бирлашма ҳуқуқшуноси А.Бобоёров, адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Қ.Чориев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси вакиллари иштирок этишди.

Маърузачилар меҳнат қонунчилиги бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнат соҳасидаги янгилик ва ўзгаришлар ҳамда ёшлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида батафсил тушунча беришди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Самарқанд вилоятидаги Н-ҳарбий қисмда Қуролли Кучлар захирасига бўшатилган бир гуруҳ аскарларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берувчи ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Имтиёзли тавсияномалар

Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси М.Бобоёров, Марказий округ қўшинлари қўмондонининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари С.Мамаюсупов ва ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Тадбирда Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги Қарорига мувофиқ, армия сафларида ўз йигитлик бурчини намунали тарзда ўтаган 69 нафар ҳарбий хизматчига тавсияномалар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Эл севган санъаткорлар ва бадиий жамоаларнинг концерт дастури тадбирга файз киритди.

Сардор ЯКУБОВ,
ЎзКУФК етакчи мутахассиси

Миллий матбуот марказида

Бизни бирлаштираётган ғоя

Пойтахтимизда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан «Бизни бирлаштираётган ғоя» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда истиқлол йилларида маънавий-маърифий ва мафкуравий соҳада қатор ишлар амалга оширилганини эътироф этишди. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқ ва марраларни ёшларга етказишда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг ҳиссаси катта бўлаётгани таъкидланди.

Марказ томонидан миллий ғоямиз асосини ёритишга қаратилган 150 га яқин номда китоб ва рисола, 20 га яқин мультимедиа, 30 хил номда буклет, 70 дан зиёд медиатақдимот ишлаб чиқилиб, Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда ҳудудлардаги тарғиботчиларга етказиб берилди.

Ўтган йилда ўтказилган назарий тадқиқотлар асосида 8 қисмдан иборат плакатлар мажмуаси чоп этилиб, маънавият тарғиботчилари ва кенг оммага тақдим этилди. 75 номдаги медиатақдимотлар жамланган ҳолда дискларга ёзилди.

Жорий йилда ҳам ушбу хайрли ишлар изчил давом эттирилаётир. Жумладан, «Маслаҳатчи масъулияти», «Маънавият тарғиботчисининг ён дафтари», «Ёш тарғиботчи масъулияти», «Аёл маънавияти» каби кўплаб рисола ва китоблар нашр этиш кўзда тутилган. Энг муҳими, юртимиз мафкуравий харитасини тузиш ишлари ниҳоясига етказилади.

Анжуманда, мафкуравий соҳада амалга оширилган тадқиқот ишлари ҳамда чоп этилган китоб, журнал ва рисолалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Муҳокама учун мавзу

Улуғ аждодимиз Имом ал-Бухорий бутун умри давомида 600 мингга яқин ҳадис тўплаган. Шундан 100 минг "саҳиҳ" ва 200 минг "ғайри саҳиҳ" ҳадисни буюк муҳаддис ёддан билган. Ул зотнинг ноёб истеъдоди, айниқса, қувваи ҳофизасининг ўта кучли бўлганлиги замондошларини ва шогирдларини лол қолдирган.

Қувваи ҳофиза синоатлари

300 минг ҳадисни ёд олиш. Бир қараганда ақл бовар қилмасдек туюлади. Лекин мутафаккир бобомиз ёшлик чоғларидан бошлаб хотирасини чархлаб борган. Қуръон оятларини тинимсиз ёд олган. Ва алал-оқибат қувваи-ҳофизанинг етуклик даражасини забт этишга эришган.

Ҳозирги кунда кўплаб ёшлар хотира пасайиши, эслаб қолиш даражасининг сусайганидан нолишади. Савол туғилади: хўш, бугунги кунда нега хотиранинг сусайиши кўп кузатилаяпти? Шу саволларга жавоб олиш мақсадида мутахассис ва ёшларга юзландик.

Маҳбуба Орипова, Мирзо Улуғбек туманидаги 8-оилавий поликлиника олий тоифали невропатологи:

— Ҳозирги кунда ёшлар, жумладан, мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари орасида хотиранинг сустлиги, эслаб қолиш даражасининг пастлиги каби ҳолатлар кўп учраяпти. Улар билан ўтказилган савол-жавобларда бу ҳолатга амин бўлдик. Хотиранинг кескин равишда пасайиб кетишига руҳий жиҳатдан толиқиш, бош ва тана юқори қисмларининг жиддий жароҳатланиши, алкогол воситаларининг меъёрдан ортиқ истеъмол қилиниши сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларнинг муолажа олиши, қуруқ мевалар, хусусан, ёнғоқ, бодом, қовоқнинг уруғи кабиларни кўпроқ истеъмол қилиши мақсадга мувофиқ. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, турли компьютер ўйинларини меъёрдан ортиқ ўйнаш, уяли алоқа воситаларини ҳаддан ортиқ ишлатиш бола руҳиятига қаттиқ таъсир этиб, унинг хотираси ёмонлашувига олиб келади. Хотира сусайиши эса, табиийки, ўқувчи саломатлиги ва билим олиш даражасига путур етказади.



Ғофур Холбеков, руҳшунос:

— Инсондаги хотира жуда нозик жараён. Унга сал бўлсада озор етса, кескин даражада пасайиб ёки кучайиб кетиши мумкин. Фанда хотира сусайиши гипомнезия, бутунлай йўқолиши амнезия, бир ёқлама кучайиши гипермнезия деб юритилади. Бошқа психик ҳодисалар каби хотира ҳам инсоннинг хусусиятлари, эҳтиёжи, феъл-атвори ва қизиқиши билан узвий боғлиқдир. Қизиқувчан, хушчақчақ инсонларда хотира нисбатан яхшироқ бўлади. Аниқ фан вакиллари ҳам хотирасининг мустаҳкамлиги билан мақтаниши мумкин. Ёшликдан хотира чархлаб борилса, эслаб қолиш осонлашади. Шу боис, хотирани мустаҳкамлашни болалик давридан бошлаган маъқул.

Содиқ Зарипов, Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежи ўқувчиси:

— Ёшлигимдан шеър ёд олишга, китоблардаги шеър ва ҳикояларни баланд овозда, дона-дона қилиб ўқишга ҳаракат қилардим. Бу жараён хотирамни кучайтиришимда қўл келган. Бундан ташқари, ўқиган матнларни икки-уч соатдан сўнг эслаб қолганимча қоғозга туширардим. Амин бўлдимки, бу синовлар хотирамни анча мустаҳкамлади. Тенгдошларимга ҳам бу усулдан фойдаланишни, кўпроқ китоб ўқиб, шеър ёд олишни тавсия этган бўлардим.

Хотира ҳақидаги илк қарашлар Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг асарларида учрайди. Жумладан, Форобий хотирага билишдаги ақлий жараённинг таркибий қисми сифатида қараб, унинг фақатгина инсониятга эмас, шунингдек, ҳайвонот дунёсига ҳам хос хусусият эканини алоҳида таъкидлайди.

Бир яшарлигида милтиқ таққан аскардан қалтак еган фил боласи улғайгач, ҳарбийлар ичидан ўша зўравонни топиб, хартуми билан чакалакзорга улоқтирганига нима дейсиз? Ёки бўлмасам, ногаҳон Африка саваннасида шерлар тўдасига дуч келиб қолган Мбабе исмли кишини арслонлар ғажиб ташлашга тайёр турганда, тўда сардори унинг бошини, юзини искагач, тиззасига бош қўйганини эшитганмисиз? Бу баҳайбат арслоннинг бир вақтлар овчилар домидан қутқарган халоскорини ёддан чиқармагани хотиранинг нақадар нозик туйғу эканини тасдиқлайди.

Мусиқа, фолклор, ҳуқуқшунослик каби қай бир соҳа бўлмасин, барчасида хотира муҳим саналади. Ёд олиш, эслаб қолиш, хотирлаш инсонга яқиндан ёрдам беради, беминнат кўмакчига айланади.

Хотира — инсоннинг зийнати, бир умрлик ҳамроҳидир. У қанча кучли бўлса, инсон заковати мукаммаллик сари шунча яқинлашаверади. Хўш, азиз замондош, ўзингизнинг қувваи ҳофизангиз қай даражада деб ўйлайсиз?

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири

Босқичма-босқич

Ўзбекистон Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан "Давлат молиясини ислоҳ қилишнинг ғазначилик тизими, Давлат бюджетининг ғазна ижроси, асосий вазифалар ва ривожлантириш истиқболлари" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Йиғилишда давлат бюджети маблағларини бошқариш, мақсадли фойдаланиш, харажатларни молиялаштиришда янгича механизмлар ва услубларни жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Юртимизда давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимига ўтилиши бюджет маблағларини мақсадли йўналтириш устидан назорат механизмини яратишда муҳим омил бўлмоқда. Қайд этилганидек, мазкур жараёнгача бюджет ташкилотларининг маблағлари банкдаги ҳисобрақамларда тарқоқ ҳолда бўлиб, маошлар ёки маҳсулот етказиб берувчига маблағ етиб боргунча маълум вақт ўтарди. Энди бунга барҳам берилиб, эскириб қолган ва самарасиз ҳисобланган механизмлар бекор қилинди. Тижорат банкларининг ҳисоб рақамларида кўплаб миқдорда тўпланиб ётган бюджет маблағлари Ягона ғазна ҳисоб варағига жамланди. Бунинг эвазига тўловларни амалга ошириш, жумладан, иш ҳақини тўлаш муддатлари қисқариб, бюджет маблағларининг айланиш тезлиги ошди.

Ўз ўрнида, 2012 йилдан тизимга Ягона ғазна ҳисоб вараги орқали харажатларни амалга ошириш ҳамда дастлабки ва жорий назорат механизми татбиқ этилди. Шунингдек, бюджет ташкилотлари билан товар етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларнинг харажатлар сметаси доирасида, белгиланган мақсадларга йўналтирилиши устидан қатъий назорат тизими ўрнатилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга Молия вазирлиги Ғазначилиги бошлиғининг биринчи ўринбосари Дилшод Пўлатов батафсил жавоб қайтарди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

Бепарволикка йўл қўймайлик

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси «Ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш чора-тадбирлари» мавзуида матбуот анжумани ташкил этди.

Маълумки, қиш фаслида табиий газга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам юқори бўлади. Бу эса ундан хавфсиз ва оқилона фойдаланишни талаб этади.

Анжуманда «Ўзтрансгаз» АК тизимида ис газидан заҳарланишга қарши қаратилган тадбирлар ҳар йили республика, вилоят ва туманлар доирасида ўтказиб келинаётгани ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, жабрланувчиларга биринчи ёрдам кўрсатиш, юзага келиши мумкин бўлган талафотларнинг олдини олиш бўйича кўриладиган амалий ҳаракатлар хусусидаги кўрсатмалар видеороликлар орқали намойиш этилди.

Тадбир сўнгида журналистлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Телефон автоуловни бошқаради

Samsung компанияси ва SAP немис дастурчилари Seat Leon машинасини янги функция билан таъминлашди. Улар автомобилни масофадан туриб мобил илова кўмагида ўт олдириш дастурини ишлаб чиқишди.



Лойиҳа кўп имкониятларга эга. Калитсиз, биргина смартфон ва махсус илова кўмагида масофадан туриб ўт олдириш шулар жумласидан.

Илова машинани ўт олдирибгина қолмай, таниш одамнинг автомобилга киришига ҳам имкон беради. «Ақлли» Seat Leon автомобил паркларидаги шлагбаумни ҳам бармоқ изи ёрдамида оча олади.

Hi-tech.mail.ru нинг ёзишича, компания бу лойиҳани илк бор жамоатчиликка Барселонада старт олган "Mobile World Congress — 2016" кўргазмаси доирасида намойиш этди.

Қулай, ҳам фойдали

Янги ишлаб чиқилган PWR Mate номли брелок бир смартфон қувватини бошқасига ўтказиш имконини беради. Бу ҳақда ТАСС хабар бермоқда.

Қурилма икки Micro-B USB портига эга бўлиб, улар ёрдамида икки OTG (On-The-Go) функциясига эга андроид-смартфон қувват алмаша олади.

PWR Mateнинг портатив аккумуляторлардан фарқи — уни қувватлаб юриш шарт эмас ва у доимо ёнингизда бўлади.

Тахминларга кўра, янги қурилма 10 доллар нархда сотувга чиқади.

Ҳар бир қадам — қувват

Висконсин-Мэдисон университетининг муҳандислари юриш орқали мобил телефонни қувватлаш имконини берадиган кроссовкани тақдим қилишди. Бу ҳақда lenta.ru хабар тарқатди.

Ихтирочилардан бири профессор Том Крупенкиннинг сўзларига кўра, инсоннинг ҳар бир қадами катта миқдордаги қувват ишлаб чиқаради ва уни электроэнергияга айлантириш мумкин.

Сўнгги тадқиқотлар натижасига кўра, махсус механизм ўрнатилган бир жуфт кроссовка 20 Вт.гача электроэнергия ишлаб чиқариши мумкин. Бу исталган гаджет ва смартфонни қувватлаш учун етарли.

Ҳозирда кроссовкалар тажрибада синалаётган бўлса-да, келажакда бундай оёқ кийимлар сотувга чиқарилиши режалаштирилган.

Самолётдаги ётоқхона

АҚШнинг Formation Design компанияси дизайнерлари самолётларга мўлжалланган ётоқли ўриндиқлар лойиҳасини ишлаб чиқди.



TJournalнинг ёзишича, янги ишланма механизмига кўра поезд вагонларидаги йиғиштириладиган ўриндиқларни эслатиб юборади.

Лойиҳа муаллифларининг фикрича, инновация самолётлар салонида жойни тежаш ва йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратишга ёрдам беради.

Интернет материаллари асосида
А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

Реклама ва эълонлар — *Аукцион савдолари хабарномаси.*

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2016 йил 11 март куни соат 14:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 07.01.2014 йилдаги 10-1316/11301-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент шаҳар «KASPI» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 19.02.2016 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 20.02.2016 йилдаги 326-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги қуйидаги мулклари алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда. **1-ЛОТ** 1990 йилда и/ч, д/р 10 AR 903 бўлган Москвич ИЖ 2715 русумли а/в. **Бошланғич баҳоси — 2 169 900 сўм**. **2-ЛОТ** 1985 йилда и/ч, д/р 10 AR 904 бўлган ГАЗ 5204 русумли а/в. **Бошланғич баҳоси — 3 326 400 сўм**.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2016 йил 18 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2016 йил 11 март кунидаги савдо учун 10 март кунига қадар, 2016 йил 18 март кунидаги савдо учун 17 март кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси голибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, ҳ/р: 20208000005028108001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42-уй.
Тел: 0 (371) 233-21-18, E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади

1. Шаҳрисабз тумани Қунчиқар МФЙдаги Чоштепа қишлоғи ва Танхоздарё дарёсининг чап томонидаги Аэропорт йўлини сел сувларидан ҳимоялаш ишлари. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1.494.392.788 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1.245.327.323 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

2. Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманлари чегарасидаги боғлар, донли экинлар ва пахта далаларини ҳимоялаш учун Яккабоғдарё дарёсининг қирғоқларини сел сувларидан ҳимоялаш ишлари. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1.482.122.365 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1.235.101.971 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

3. Лот №31-4. Яккабоғ қўрғончаси Мустақиллик МФЙ ҳудудидаги Кўқтошпа қабристонининг Қамарсойдан келадиган сел сувларидан ҳимоялаш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 297.994.346 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 248.328.622 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 5 ой.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

1. Деҳқонобод тумани, Янгиқишлоқ қишлоғидаги №40-сонли мактаб учун 9х18 м. ўлчамли спортзал қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 588.702.433 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 490.585.361 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 6 ой.

2. Косон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 25х11 м. ўлчамли сузиш ҳавзаси қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2.863.526.801 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2.386.272.334 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

3. Касби туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1.865.284.921 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1.554.404.101 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.

Манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон овози газетаси кўчаси, 3-уй. - Телефон: (0-375) 227-18-51, 227-13-51.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат "Қурилиш - пудрат ташкилотлари реестри"га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат берилади.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдоларида оферталар баҳоланиб, кўрсатгичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

-Бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдолари кичик бизнес корхона ва ташкилотлари ўртасида ўтказилади;.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даваржитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 60-«А» уй. Тел.:/ Факс: (0-375) 223-19-11, 223-27-33.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда, Ўзбекистон овози газетаси кўчаси 3-уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Марокли беллашувлар

(1).

Беллашувлар якунига кўра Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимидан Ўрунбоевлар оиласи (ўғил болали оила) ғолиб дея эътироф этилди. Холматовлар ва Сулаймоновлар оилалари кейинги ўринларни банд этди.

Мадраҳимовлар оиласи эса қиз болали оилалар орасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Аҳмедов ва Шерматовлар оилавий жамоалари совриндорлар сафидан жой олди.

Шунингдек, Бакировлар «Фаол иштирок этган оила», Азизтоев ҳамда Аловутдиновлар «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», Собиров ва Матёқубовлар «Энг чаққон оила» дея эътироф этилди. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

5 март куни бўлиб ўтадиган Тошкент шаҳар босқичига Таълим, фан ва маданият ходимлари Юнусобод туман кенгашидан Ўрунбоевлар ҳамда Мадраҳимовлар оилалари йўлланмани қўлга киритдилар.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

* * *

Фарғона шаҳридаги ҳуқуқшунослик коллежи спорт залида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши ҳамда тиббиёт бирлашмаси ходимлари ўртасида «Соғлом оила» спорт мусобақаларининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада 14 та оилавий жамоа ўзаро беллашди.

— Бизда 20 минг нафардан зиёд аъзо бор. Улар 55 та бошланғич ташкилотга бирлашган, — деди тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Наргиза Узокова. — Мусобақалар барча бошланғичларда ўтказилди.

Қиз фарзандли оилалар ўртасида ғолиблик шаҳар силга қарши кураш диспансери вакили Маҳмудовлар оиласига насиб этди. Ўғил фарзандли оилалар орасида эса вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари поликлиникаси жамоаси — Ҳайдаровлар ғолиб чиқди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Мусобақаларнинг Касби туман босқичи ғолиблари номи маълум бўлди. Тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мажмуасида ўтган баҳсларда бошланғич ташкилотларда сараланган 14 та оила иштирок этди.

Ўғил болали оилалар ўртасида биринчи ўринни Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тармоғидан Завқиддин Розиқов оиласи эгаллади. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасидан Ибратжон Қораев оиласи эса қиз болали оилалар бўйича вилоят босқичига йўл олди.

Козим ОТАБОЕВ,
Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи мутахассиси

* * *

«Насаф» стадионида ўтган мусобақаларнинг Қарши шаҳар босқичи ҳам қизғин курашларга бой ўтди.

Унда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси тизимига қарашли шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходими Ҳамидулло Раҳимов (ўғил болали оила) ҳамда Қарши енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи инглиз тили фани ўқитувчиси Гулжамол Қаюмова (қиз болали оила) оилалари барча шартларни бажаришда фаоллик кўрсатиб, вилоят босқичига йўлланма олишди.

— Турмуш ўртоғим ҳарбий. Икки нафар қизим ҳам дадаси сингари спортга қизиқади. Бу одат, спорт билан шуғулланиш менга ҳам юққан, — дейди мусобақа ғолибаси Гулжамол Қаюмова.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма тармоғидан Темур Мейлиев ҳамда Ҳусниддин Сувонов оилаларига иккинчи ўрин насиб этди.

Учинчи ўриндан Нормўмин Бозоров (АСМ) ҳамда Зокир Авазов (Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тармоғидан) оилалари жой олди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Сурхон воҳасининг Термиз шаҳри ва барча туманларидаги касаба уюшма ташкилотлари мувофиқлаштирувчи кенгашлари томонидан мусобақалар ўтказилди. Шундай беллашувлардан бири Термиз мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш коллежида шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ғолибликни қўлга киритган 10 та оила вакиллари иштирокида уюштирилди.

Қизиқарли ўтган беллашувларда ўғил болали оилалар ўртасида Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитасидан қатнашган Амиркуловлар оиласи 1-ўринни эгаллади.

Қиз болали оилалар ўртасида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Термиз шаҳар кенгашидан қатнашган Чоршанбиевлар оиласи вилоят босқичига йўлланма олди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Жиззах шаҳридаги йирик меҳнат жамоалари, тармоқ касаба уюшмалари ўртасида ўтказилган спартакиада ҳақиқий спорт байрамига айланди.

— Дастлабки босқичда олтмишта оилавий жамоа иштирок этиб, улардан ўн олтитаси кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритди, — деди мусобақаларни ўтказиш шаҳар ташкилий қўмитаси раиси Рустам Исоқов. — Ушбу жамоалар ўзаро беллашиб, бешта спортсевар оила вилоят босқичига йўлланма олди.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимидан Маҳмудовлар оиласи (14-мактаб, қиз болали оила) ҳамда Исроиловлар оиласи (5-мактаб, ўғил болали оила) биринчи, Нормуродовлар оиласи (Жиззах педагогика институти, қиз болали оила) иккинчи, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тармоғидан Эргашевлар оиласи (Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежи, ўғил болали оила) ва Суннатуллаевлар оиласи (Жиззах уй-жой ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи, қиз болали оила) учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Мусобақаларда «Энг чаққон оила», «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», «Фаол иштирок этган оила» номинациялари ҳамда ғолиб ва совриндорликни қўлга киритганларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Долзарб мавзуда суҳбат

Шундай ҳолат юзага келдики, нафақат иш куни, балки дам олиш кунларини ҳам компютер, смартфон, телевизор ва бошқа электрон воситаларсиз тасаввур эта олмайдиган бўлиб қолдик. Афсуски, бу эртами-кечми кўриш қобилиятининг ўзгариши ёки ёмонлашувига олиб келиши мумкинлигини ўйламаймиз ҳам. Вақт ўтгач... Айнан шуни назарда тутиб, шифокор кўригига отланамиз. Ўзбекистон тиббиётининг офталмология тизими, ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида "Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази" акционерлик жамияти раҳбари Зафар Сиддиқов билан суҳбатлашдик.

Соғлом кўз билан дунёни кўрайлик

— Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги, юксак талабларга жавоб берадиган мукаммал тизими яратилди. Бу кўз касалликлари йўналишида қандай акс-садо беряпти?

— Ҳар бир халқ, миллат, давлат ва жамият тараққиёти кўлами, аввало, фуқаролар манфаати, соғлиғи ва фаровонлиги қай даражада таъминланганлиги билан ўлчанади. Юртбошимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар туфайли қисқа муддатда аҳолига юксак технологиялар асосида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўзига хос тизим яратилди. Бунда кўз касалликларини даволашда ихтисослашган офталмология ва унинг замонавий йўналиши — кўз микрохирургияси соҳаси муҳим ўрин тутади. Пойтахтимизда ва вилоятларда офталмология соҳасига ихтисослашган олтмишга яқин тиббиёт муассасаси мавжуд. Бугун мамлакатимиз бўйлаб 600 га яқин ихтисослашган кабинетлар фаолият кўрсатаётир. Ўтган йили республикамизнинг ўндан ортиқ офталмологлари хорижда ўтказилган нуфузли илмий анжуманларда фаол қатнашиб, тажриба алмашиб қайтдилар. Бундай илмий тажриба алмашув тиббий хизматни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир.

— Кўз микрохирургияси фан-техника тараққиётига уйғун равишда ривожланаётганидан хабардормиз...

— Офталмологияда замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида диагностика, даволаш ва жарроҳлик амалиёти қўлланилиши натижасида илгари имкони бўлмаган хасталикларга даво топилмоқда. Кейинги йилларда нуфузли тиббий-илмий марказлар, етакчи клиникалар билан ҳамкорлик учун кенг йўл очилгани ушбу соҳанинг жадал ривожланишига туртки бўлди, албатта. Натижада жаҳон тиббиётининг илғор услубларини ўзлаштириш ва амалиётга жорий этиш имкони юзага келди. Замонавий андозалар даражасида барпо этилган мазкур муассасада кунига 150 қатновга мўлжалланган консултатив-диагностика поликлиникаси, 50 ўринли стационар, йилига 6000 жарроҳлик амалиётини бажаришга мосланган жарроҳлик блоки, замонавий лаборатория ва марказлашган стерилизация бўлимлари фаолият юритмоқда.

ЎзА сурати

Кўз касалликларини эрта аниқлаш ва самарали даволашда илғор тажрибалар ва юксак технологиялар кенг қўлланилмоқда. Айтишим мумкинки, бугунги кунда Тошкент шаҳри ва бир нечта вилоятлардаги офталмология шифохоналари факоэмулсификатор, ултратовушли биомикроскоп, компютерли периметр, оптик когерент томограф, А/В сканер-ултратовуш, лазер ускуналари каби замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган.

—Муваффақиятли даволанаётган кўз касалликлари ҳақида аниқ мисоллар келтирсангиз.

— Марҳамат, ҳозирда катаракта касаллигини даволашнинг "олтин стандарти" факоэмулсификация кенг қўлланилиб, турли хил юмшоқ суньий гавҳарлар имплантацияси амалга оширилмоқда ва бемор ёруғ дунёни қайта кўриш бахтига муяссар бўляпти. Республикада бир йилда 16 мингдан зиёд катаракта экстракцияси жарроҳлиги амалга оширилади. Факоэмулсификация усули билан жарроҳлик амалиёти шунинг 30 фоиздан ортиғини ташкил қиляпти. Марказда эса йилига 2500 дан зиёд бундай жарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилади. Бу республикада жами амалга оширилаётган факоэмулсификациянинг 50 фоиздан ортиғига тўғри келади.

Миопия, яъни узоқни яхши кўрмаслик аномалиясини даволашда қўлланилаётган лазер жарроҳлиги усули ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Кўзойнак тақиш муаммолари эксимер лазер жарроҳлиги билан ҳал қилиняпти. Тўр парданинг турли ўзгаришларини ҳам лазер жарроҳлиги билан даволаш кенг амалиётга кириб келди. Бу жараён қандли диабет хасталигининг оғир асорати бўлмиш диабетли ретинопатия касалликларида ҳам кенг қўлланиляпти. Марказда ўтган йили 2000 га яқин лазер жарроҳлиги билан даволаш амалга оширилди.

Глаукома ва унинг оғир тури неоваскуляр глаукомани даволашда ксеноколлаген дренаж имплантацияси воситасида янги жарроҳлик амалиёти ўтказилмоқда. Ушбу юқори технологияли даволаш усули жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларининг нуфузли клиникаларидагина бажарилади. Марказимизда ҳам ушбу усул муваффақиятли амалга оширилиши натижасида беморларнинг хорижда даволанишига зарурат қолмади.

— Кўзнинг шох пардаси жароҳатланиши туфайли инсон ёруғ дунёни кўриш бахтидан маҳрум бўлиши мумкин. Билишимизча, шох пардани кўчириб ўтказиш имконияти яратилган...

— Ушбу касалликка аниқ ташхис қўйиш ва даволаш усули яратилиши кўз микрохирургиясининг яна бир муҳим ютуғи бўлди. Турли жароҳатлар, сурункали касалликлар оқибатида кўриш қобилиятини йўқотган инсонларга янгидан ҳаёт бахш этиш имконияти юзага келди. Мамлакатимиз олимлари ва шифокорларининг ушбу усулни амалиётга татбиқ этиш бўйича олиб борган изланишлари ўз самарасини бермоқда.

Марказ мамлакатимизда шохпардани кўчириб ўтказиш жарроҳлик амалиёти амалга ошириладиган ягона давлат муассасаси ҳисобланиб, йилига 50 га яқин шундай амалиёт бажарилади ва беморларга янгидан кўриш бахти ато этилмоқда. Ўтган йилларда 300 га яқин бемор ана шундай имкониятдан фойдаланиб, ўз саломатлигини тиклади.

— Кўз касаллигига чалинмаслик учун қандай маслаҳат берасиз?

— Мактабгача ўқув муассасалари, мактаб, лицей, коллеж, институтларда ўқувчи ва талабаларда, айниқса, болаларда электрон технологиялардан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш, тўғри фойдаланиш, ўз вақтида дам олиш, қоларверса, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини амалда қўллашни ўргатишимиз керак.

Ҳар қандай соғлом одам ҳам профилактика мақсадида йилда бир марта офталмолог кўригидан ўтиши мақсадга мувофиқдир. Кўзлари хаста бўлган шахс касаллигига қараб йилига 2-3 марта даврий кўрикдан ўтиши керак. Агарда беморда шикоятлар пайдо бўлиб, касалликнинг ўткир ҳолати кузатилса, вақтни бой бермасдан офталмолог-шифокорга зудлик билан мурожаат қилиши зарур ва керакли даво чораларини қўллаш тавсия қилинади.

«Ishonch» мухбири
Гўзал НОРЧАЕВА
суҳбатлашди

Реклама ва эълонлар

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

2016 йил 28 март куни соат 11:00 да Яккабоғ тумани ҳокимлиги биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманидаги қуйидаги ҳудудлардан боғдорчилик, узумчилик ихтисослашувидаги фермер хўжаликларини ташкил этиш учун қуйидаги "Боғзор" ва "Токзор"лар қўйилмоқда:

А.Темур массивидан: **1-лойиҳа** — "Сандал истиқболи" МЧЖдан туман захира ерлари ҳисобига олинган 117-контурдан 3,7 гектар ер майдонидаги "Токзор", бошланғич баҳоси — 3 885 000 сўм. **7-лойиҳа** — "Маматов Шоди Хидирович" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 115 ва 117 контурлардаги жами 2,7 гектар "Боғ", бошланғич баҳоси — 5 777 000 сўм. **10-лойиҳа** — "Янгиқўрғон истиқболи" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 156 контурдан 3,0 гектар "Токзор", бошланғич қиймати — 5 283 000 сўм.

Сохибқирон массивидан: **1-лойиҳа** — "Нусрат" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 32,5 гектардан жами 10 гектар шундан: 65 контурдан 6 гектар "Боғ", 3 гектар "Токзор", 75 контурдан 1 гектар "Боғ", бошланғич баҳоси — 15 610 000 сўм; **2-лойиҳа** — "Нусрат" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 32,5 гектардан жами 7 гектар шундан: 65 контурдан 4,5 гектар "Боғ", 2,5 гектар "Токзор", бошланғич баҳоси — 10 795 000 сўм; **3-лойиҳа** — "Нусрат" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 32,5 гектардан жами 7,1 гектар шундан: 65 контурдан 3,5 гектар "Боғ", 2,5 гектар "Токзор", 64 контурдан 1,1 гектар "Боғ", бошланғич баҳоси — 10 795 000 сўм; **4-лойиҳа** — "Нусрат" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 32,5 гектардан жами 8,4 гектар шундан: 11 контурдан 7,6 гектар, 40 контурдан 0,8 гектар "Боғ", бошланғич баҳоси —14 110 000 сўм; **5-лойиҳа** — "Имомов Баҳодир Раҳматиллаевич" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 234 контурдан 5,0 гектар "Токзор", бошланғич баҳоси — 8 400 000 сўм.

А.Холиқов массивидан: **1-лойиҳа** — "Нуриддин Бўриевич" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 9,7 гектар шундан: 415 контурдан 4,0 гектар, 413 контурдан 2,0 гектар, 414 контурдан 3,7 гектар "Боғ", бошланғич баҳоси — 14 376 000 сўм; **2-лойиҳа** — "Абдирашид ота мероси" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 3,2 гектар 380 контурдан "Токзор", бошланғич баҳоси — 4 704 000 сўм.

К.Мойлиев массивидан: **1-лойиҳа** — "Бозор ўғли Сафар" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 1 контурдан 2,0 гектар "Боғ", бошланғич баҳоси — 3 206 000 сўм.

Турон массивидан: **2-лойиҳа** — "Бобоназаров Самариддин Нортошевич" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 4,0 гектар шундан: 235 контурдан 2,0 гектар, 236 контурдан 2,0 гектар "Боғ", бошланғич баҳоси — 8 928 000 сўм; **1-лойиҳа** — "Ашуров Достонбек Ойбекович" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган 234 контурдан 2,0 гектар "Боғ", бошланғич баҳоси — 5 022 000 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич қийматининг 15 фоизи миқдорида гаров пулини АИТБ "Ипак йўли банк" Тошкент шаҳар Миробод филиали, МФО: 01101, СТИР: 301743808, 20208000804876496001 ҳисоб рақамига тўлашлари лозим.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар савдо ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари 2016 йил 27 март кунига қадар соат 10:00 дан 18:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) Яккабоғ тумани ҳокимлиги биносида (2-қават) қабул қилинади.

Ушбу мулклар 2016 йил 28 мартдаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2016 йил 13 апрел куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 19 март соат 18:00.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юкланади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: Очиқ аукционда иштирок этиш учун икки нусхадаги буюртманома, закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжати.

жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ишончли вакил қатнашса белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим қилишлари лозим юридик шахслар — Низом ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса белгиланган тартибда ишончнома тақдим қилишлари лозим.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Қарши шаҳри, Ғузор кўчаси, 4 уй. Телефон: +99891 218-28-78, +99890 939-75-62. Веб-сайт: **www.realtorg.uz**

Яккабоғ тумани, А.Темур кўчаси, туман ҳокимлиги биноси, 2-қават.

Лицензия: RR-0008.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Очиқ аукцион савдоларига туман захира ерлари ҳисобига олинган ер майдонларида фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадида қуйидаги "Тутзор" ва "Боғзор" лар қўйилмоқда:

1.Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, "Сойлик" қ.ф.й. ҳудудида жойлашган "BAXTLI QASHQA" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 11,2 гектар, шундан 10,0 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор" ва 0,7 гектар ер майдонида жойлашган "Тутзор" очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 39 790 000 сўм.

2.Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, "Сойлик" қ.ф.й. ҳудудида жойлашган "BO'STON YASHIL BOG'I" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 10,1 гектар, шундан 8,8 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор, бошланғич баҳоси — 25 396 550 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2016 йил 28 март куни соат 15:00 да Бўстонлиқ тумани ҳокимияти биносида бўлиб ўтади. Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдо 2015 йилнинг 13 апрел, 20 апрел, 27 апрел кунлари соат 15:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 2020 8000 8048 7649 6001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш учун икки нусхадаги буюртманома; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар 2016 йилнинг 28 феврал кунидан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунларида соат 09:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни www.realtorg.uz ёки 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган. RR – №0008.

«Муборакнефтгаз» масъулияти чекланган жамияти экспортга жўнатиш мақсадида сабзавот ва дуккакли маҳсулотларни (помидор, бодринг, мош, нўхат, пиёз) етиштириш учун тажрибага эга, малакали (олий ёки ўрта махсус маълумотли) мутахассисларни ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Номзод суҳбат асосида ишга қабул қилинади. Муносиб иш ҳақи ва яхши натижаларга эришган тақдирда қўшимча рағбатлантирилади.

Номзодларга бўлган талаб:

1. Ўзларининг бизнес лойиҳаларини тақдим этишлари лозим.
2. Кўрсатилган йўналишдаги меҳнат стажи ва йўналишлари тўғрисида маълумот.
3. Ўзлари тўғрисидаги тўлиқ маълумот (резюме)ни факс орқали жўнатиш.

Мурожаатлар 01.03.2016 йилгача қабул қилинади.

Номзодлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Занжирсарой кўчаси, 1-уй. "Муборакнефтгаз" МЧЖ — кадрлар бўлими.

Мурожаат учун телефонлар: (0-375) 672-13-75. Факс: (0-375) 672-45-64, (+99891) 470-62-25 (Бобур Эрисов).

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман ҳокимияти томонидан 09.01. 2014 йилда (Гувоҳнома реестер рақами: 0114079) якка тартибдаги тадбиркор Хидиров Асқар Абдисалимович номига берилган штамп йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Жиззах туман тармоқ касаба уюшмаси кенгаши раиси Бахтиёр Эшмирзаевга онаси **Маҳмуда ЭШМИРЗАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:40**
Topshirildi — **21:30**

1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 215.
21870 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133